

№ 01
17.01.2018 й

«IMKON FINANS MIKROKREDIT
TASHKILOTI» МЧЖ раисига

**«IMKON FINANS MIKROKREDIT TASHKILOTI» масъулияти чекланган жамияти-
нинг 2017 йил учун тузилган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан
ўтказиш натижаларига кўра**

АУДИТОР ХУЛОСАСИ

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2009 йилнинг 19 июнида берилган ва 2014 йилнинг 27 июнида янгиланган 00392 -сонли лицензияси эгаси-масъулияти чекланган жамият шаклидаги «PROFI AUDIT» аудиторлик жамияти томонидан «IMKON FINANS MIKROKREDIT TASHKILOTI» масъулияти чекланган жамиятининг 2017 йил учун тузилган молиявий ҳисоботини жамият билан 2018 йилнинг “10” январь санасида тузилган 01 сонли шартномага асосан 2018 йилнинг “10” январидан “17” январига қадар бўлган давр мобайнида аудиторлик текширувидан ўтказилди.

Аудиторлик ташкилотининг манзили: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83 уй. ИНН: 203 791 465, ОКОНХ 84400

Тошкент шаҳар, ЎР ТИФ Миллий банкининг Тошкент шаҳар бош бошқармасидаги ҳисоб рақами- 2020 8000 1041 5607 8001, банк коди 00451.

Аудиторлик ташкилотининг директори: Маразиков М.М

«IMKON FINANS MIKROKREDIT TASHKILOTI» масъулияти чекланган жамиятига нисбатан мустақил ҳисобланган аудитор Маразиков М.М (сертификат №05424) томонидан амалга оширилди.

Аудиторлик текширувидан ўтказиладиган молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги учун хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбарияти жавобгар ҳисобланади.

Аудиторлик жамияти мазкур молиявий ҳисобот бўйича ўз хулосаси учун жавоб беради.

Биз аудиторлик текширувини АФМАларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу андозалар биз фойдаланувчиларни молиявий ҳисобот жиддий бузилишларга эга эмаслигига етарлича ишонч билан таъминлашимиз кераклигини тақозо этади. Аудиторлик текшируви ҳаққонийликни ва молиявий ҳисобот ҳамда бошқа молиявий ахборотнинг қонун ҳужжатларига, шунингдек молиявий-хўжалик фаолиятининг ҳақиқий ҳолатига мувофиқлигини баҳолашга асосланади.

Биз томонимиздан ўтказилган аудиторлик текшируви фикрни ифодалаш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча, «IMKON FINANS MIKROKREDIT TASHKILOTI» масъулияти чекланган жамиятининг 2017 йил учун тузилган молиявий ҳисоботи унинг молиявий ҳолатини ҳаққоний акс эттиради ҳамда жамият томонидан 2017 йилда амалга оширилган молиявий-хўжалик муомалалари Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” ги қонуни талабларига мувофиқ келади.

МЧЖ «PROFI AUDIT»
аудиторлик ташкилоти директори,
аудитор



M. Marazikov

Маразиков М.М